

БАЙТ - (арабча - уй) араб, форс-тожик ва кўпгина туркий халклар адабиётшунослигида икки мисра шеърга нисбат бериладиган истилох. Хар кандай икки мисра шеър хам байт бўла олмайди. Байт бўлиши учун келтирилган иккала шеърий мисра бир-бири билан мазмун ва мантик жihatдан боғланган бўлиши у ёки бу поэтик гоёни очишга хизмат килиши лозим. Байтлар адабий жанрлар талабига кўра турлича кофияланади. Масалан: газалда биринчи байтда икки мисра а-а тарзида кофияланиб, колган байтларининг иккинчи - жуфт мисралар биринчи байт каторлари билан кофиядош бўлади; маснавийда эса, байт мисралари ўзаро, яъни а-а, б-б, в-в... кўринишида кофияланади. Хар кайси байт 4, 6, 8, баъзан 12, 16, 20, 36 рукндан ташкил топиши мумкин. Тўрт рукнли байт мураббаъ, олти рукнли байт мусаддас, саккиз рукнлиси мусамман, 12 рукнлилари кўпинча мустазод номлари билан юритилади. 16, 20, 36 рукнли байтлар эса, алохида номланмай, «12 рукнли», «20 рукнли» ва «36 рукнли» деб аталаверади.